

Акциядорлик жамияти
Қўшма корхона “Euroasia Insurance” суғурта компанияси акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши баённомаси

Тошкент ш.

27 май 2022 йил

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 42/1 уй, Жамият маъмурий биноси

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **10:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **10:50**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **11:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони **46 620 275 дона**

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана 2022 йил 23 май

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича ва 2022 йил биринчи чораги бўйича соф фойдани тақсимлаш.
2. Жамият юридик ва почта манзилени ўзгартириш.
3. Жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

Йиғилиш раиси Б.Шадиёв сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини таъкилади.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашининг 2022 йил 2 мартдаги мажлиси қарорига кўра, Н.Абдуллаева, Н.Холикулова, С.Умаралиевлардан иборат санок комиссияси тузилган бўлиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси аъзоларининг сони ва таркибини тасдиқлаш бўйича бюллетень орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 46 620 275 та овоз (100 фоиз);

“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Санок комиссияси аъзоларининг сони ва таркибини тасдиқлаш бўйича акциядорлар умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг санок комиссияси уч кишидан иборат куйидаги таркибда тасдиқлансин:
 - **Н.Абдуллаева;**
 - **Н.Холикулова;**
 - **С.Умаралиев.**

Йиғилиш раёсати аъзоси М.Мирзамахмудов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибидаги ҳар бир масала маърузаси ва муҳокамаси учун 5-10 дақиқагача, овозларни санаб чиқиш ва санок комиссиясининг овоз бериш

яқунлари бўйича ҳисоботи эшитиш учун 20 дақиқагача вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб ўтди.

Шунга асосан, Жамият акциядорларидан бугунги умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 46 620 275 та овоз (100 фоиз);

“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш масаласи бўйича акциядорлар умумий йиғилиши **қарор қилади:**

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича:

Кун тартибининг биринчи масаласида йиғилиш раиси Б.Шадиёв сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 51-моддасига асосан иштирокчиларни 2021 йил якуни ва 2022 йил биринчи чорак учун молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича жамиятнинг соф фойдасини тақсимлаш масаласини кўриб чиқиш учун тақдим этди. Жамият ҳар чоракда, ҳар олти ойда ёки йилига бир марта жамият иштирокчилари ўртасида соф фойдани тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга. Жамият иштирокчилари ўртасида тақсимланадиган фойданинг бир қисмини аниқлаш тўғрисидаги қарор жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Жамият фойдасининг унинг иштирокчилари (дивидендлари) ўртасида тақсимлаш учун мўлжалланган қисми уларнинг жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига мутаносиб равишда тақсимланади. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби жамият уставида ёки иштирокчилар умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади.

Шундан сўнг жамият бош ҳисобчиси Ш. Нурмухамедова сўзга чиқиб, жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича 2021 йилни 10 235 241,6 минг сўм соф фойда ва 2022 йил биринчи чорагини 2 103 822,9 минг сўм соф фойда билан яқунлаганлигини маълум қилди.

Б.Шадиёв жамият иштирокчиларига, 2021 йил якуни бўйича олинган соф даромадни қуйидагича тақсимлашни таклиф этди:

- дивидентга 9 636 585,5 минг сўм,
- дивиденд солиғига 598 656,1 минг сўм.

Шундан сўнг, 2022 йил биринчи чораги бўйича дивидендларни жамият иштирокчилари ўртасида тақсимланмаслик таклифини берди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 46 620 275 та овоз (100 фоиз);

“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорлар умумий йиғилиши **қарор қилади:**

2021 йил якуни бўйича олинган соф даромадни қуйидагича тақсимлансин:

- дивидентга 9 636 585,5 минг сўм,
- дивиденд солиғига 598 656,1 минг сўм.

2022 йил биринчи чораги бўйича дивидендларни жамият иштирокчилари ўртасида тақсимланмайди.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича:

Жамият Бош директори в.б. М.Мирзамахмудов жамият фаолият юритаётган манзили ўзгарганлиги, яъни жамият Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 3-А уй манзилига кўчиб ўтгани муносабати билан жамиятнинг устави ва бошқа ҳужжатларига жамият ҳақиқатда жойлашган манзили бўйича ўзгартириш киритиш лозимлигини, шунингдек тегишли давлат органларида қайта рўйхатдан ўтказиш лозимлигини айтиб ўтди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 46 620 275 та овоз (100 фоиз);

“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорлар умумий йиғилиши қарор қилади:

Жамиятнинг юридик ва почта манзили **ТОШКЕНТ ШАҲАР, ЮНУСОБОД ТУМАНИ, АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ КЎЧАСИ, 3-А УЙ**га ўзгартирилсин ҳамда жамиятнинг устави ва бошқа ҳужжатларига жамият ҳақиқатда жойлашган манзили бўйича ўзгартиришлар киритилсин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича:

Бош директор в.б. М.Мирзамахмудов жамият акциядори «INTER CAPITAL» МЧЖ томонидан жамиятга қўшимча камида 10 000 000 000 (Ун миллиард) сўм миқдорда инвестиция киритилганини айтиб ўтди.

Йиғилиш раиси Б.Шадиёв сўзга чиқиб юқоридаги кўриб чиқилган масалалар, яъни жамият юридик ва почта манзилини ўзгартириш ва жамият акциядори «INTER CAPITAL» МЧЖни жамиятда улушини кўпайтиришни уставга ҳам ўзгартиришлар киритиб белгиланган тартибда янги таҳрирда қайта давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Шунга кўра, иловага мувофиқ, тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси кўриб чиқилди.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни 59-моддасига асосан жамият уставини тасдиқлаш акциядорларининг умумий йиғилиши ваколат доирасига киришини инобатга олган ҳолда ушбу масала юзасидан овоз бериш сўралди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 46 620 275 та овоз (100 фоиз);

“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича «INTER CAPITAL» улушини 10 000 000 000 (Ун миллиард) сўмга ошганлиги муносабати билан жамиятнинг устаф фонди миқдори 46 620 275 000 (Қирқ олти миллиард олти юз йигирма миллион икки юз етмиш беш минг) сўм миқдорига етказилганлиги ҳамда юридик ва почта манзили ўзгарганлиги юзасидан уставга тегишли ўзгартиришлар киритилиб тайёрланган янги таҳрирдаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганлигини инобатга олган ҳолда, бугунги йиғилиш ёпиқ деб эълон қилинди.

Йиғилиш раиси:



Б. Шадиёв

Йиғилиш котиби:

У. Маматкулов